

## Таъзия



11:30 / 29.10.2019 1979

«Hilol» нашриёт-матбаа мажмуаси ҳамда Islom.uz портали жамоаси – Марғилон шаҳридаги «Hilol» nashr вакили Жалолиддин ҳожининг оталари Жамолиддин ҳожи Камолиддин ўғлининг муборак 100 ёшда вафот этгани муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Аллоҳ таоло марҳумнинг барча солиҳ амалларини ўзларига ҳамроҳ айлаб, Ўзининг шомил мағфиратига, раҳматига олсин.

Ушбу мусибат дамларида марҳумнинг аҳли байтига Аллоҳ таолонинг қазои қадарини розилик ила қарши олган чинакам мўминларнинг мақомини сўраймиз, ҳақларига дуо қилиб, самимий ҳамдардлик билдирамиз. Парвардигоримиз марҳумни Ўзининг раҳмати ва мағфиратига буркасин, ортларида қолган аҳли байти ва фарзандларига сабру салвон берсин!

**Иннаа лиллааҳи ва иннаа илайҳи рожиъуун!**